

ТАСАВВУФ МАЪРИФАТЧИЛИГИ НАМОЯНДАЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИДА ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ МАСАЛАСИ

Дилдор Эсоналиевна НОРМАТОВА

доцент

фалсафа фанлари номзоди
Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

e-mail: dildornormatova1972@jmail.ru

Аннотация

Мақолада тасаввуф маърифатпарварлари қарашларида ижтимоий тараққиёт масаласининг зарурати тадқиқ этилган. Хусусан, ислом илоҳиётчиси Имом Абу Ҳамид Ғаззолийнинг “Ихёйи улум ад-дин” асарида илгари сурилган жамият тараққиётига тегишли қарашлар ўрганилган. Жамият ҳаётида диний муносабатларнинг ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши кераклиги очиқ берилган.

Таянч сўзлар: жамият, тараққиёт, дин, мутасаввиф, илоҳиёт илми, таълимот, объектив эҳтиёж, ғоя, маънавий тарбия.

ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНОГО ПРОГРЕССА В ВОЗЗРЕНИЯХ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ СУФИЙСКОГО ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА

Дилдор Эсоналиевна НОРМАТОВА

доцент

кандидат философских наук

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

e-mail:

dildornormatova1972@jmail.ru

Аннотация

В статье исследуется необходимость изучения проблемы социального прогресса в взглядах представителей суфийского просветительства. В частности, рассмотрены идеи, касающиеся общественного развития, выдвинутые исламским теологом Имамом Абу Хамидом аль-Газали в его произведении «Ихья улум ад-дин». Также, раскрыты религиозные отношения в жизни общества, которые должны служить социальному прогрессу.

Ключевые слова: Общество, развитие, религия, суфий, теология, учение, объективная потребность, идея, духовное воспитание.

Дунёдаги биронта ҳам диний таълимот ўз-ўзидан, тасодифий равишда юзага келган эмас. Ҳар қандай диний қарашлар, ғоялар, таълимотлар кимларнингдир хоҳиш ва истаги асосида эмас, балки жамият тараққиётининг муайян босқичидаги объектив эҳтиёжлар ва заруриятлар асосида келиб чиққан. Тасаввуф таълимотининг шахсни маънавий юксалишидаги ўрни

бекиёсдир, чунки унинг марказида комил инсон тўғрисида фикр ва ғоялар туради. Тасаввуфда инсон моҳияти, яшашдан мақсади, хатти-ҳаракатлари, ботиний ва зоҳирий масалалар, комил инсоннинг жисми ва маслағи, унга эришиш йўллари, комилликка етишган улуғ зотлар, авлиё, машойих ва пирларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритиладики, улар шахс тарбиясида, маънавий юксалишида муҳим ўрин эгаллайди. “Тасаввуфда,– деб ёзади Н.Комилов,– инсон табиатидаги салбий кучларни умумий ном билан “нафс” ёки “нафси аммора” деб атайдилар ва унга қарши уруш эълон қиладилар. Мол-дунё тўплаш, нафс эҳтиёжига қараб юриш, ҳирсу ҳавас қатъий қораланади, инсонни (демакки, инсониятни ҳам) ноқислик ва фалокатлардан қутқаришнинг бирдан-бир йўли нафсни ўлдириб, қаноат билан ҳалол яшаш, иродани чиниқтира бориб, инсонда инсонийликни яъни илоҳийликни тантана эттириш зарур, деб тарғиб қилинди” [1;153].

Бугунги кунда республикамиз олимлари тасаввуф таълимотининг фалсафий-ахлоқий жиҳатларини илмий тадқиқ этиш борасидаги изланишлари эътиборга лойиқ. Шу маънода тасаввуф бизнинг юртимизда, хусусан Самарқанд, Бухоро, Қарши мадрасалари ва бошқа илмий муассасаларида ҲШ–ХШ асрларда етакчи диний-илоҳиёт ва илмий-фалсафий йўналиш бўлганлигини назарда тутиб, унинг ахлоқий меросимизда алоҳида босқич эканлигини таъкидламоқ зарур. Тасаввуф фалсафий анъаналаримизни юқори босқичга олиб чиқди, янги фалсафий таълимотларни, жумладан, пантеизм каби ўз даври учун жуда илғор оқимни вужудга келиши ва ривожланиши учун йўл очди.

Жамият ҳаётининг бир қисми бўлган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган. Ҳозирги мавжуд диний тартибларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бурилишлар, тангликлар даврида шаклланганлиги бежиз эмас.

Ислом дини ана шундай тарихий бир шароитда, жамият тараққиёти жараёнида юзага келган объектив талаб ва эҳтиёжлар асосида, одамларни

залолатдан сақлаб, хидоят йўлига бошлаш мақсадида пайдо бўлди. Бу – маданий-маънавий ҳаётда олға ташланган том маънодаги инқилобий қадам эди. Ислом динининг пайдо бўлиши кўшни мамлакатларнинг, кўпчилик бошқа давлат халқларининг маданий-маънавий ҳаёти, дунёқараши ва мафкурасига бора-бора ўз таъсирини кўрсата бошлади. Мовароуннаҳрга ислом динининг кириб келиши ва ёйилиши арабларнинг ҳарбий ҳаракатлари билан узвий равишда боғлиқдир. Мустақиллик йилларида кишиларни маънавий тарбиялаш, фуқароларда ўзлигини англаш, кадр-қиммат, иймон-этикод, миллий қадриятларга ҳурмат ва эътибор туйғуларини юксалтириб бориш устувор вазифалардан бирига айланди. Маълумки, мустабид тузум, КПСС сиёсатининг оқибати туфайли салкам бир аср мобайнида Шарқ халқлари маънавий меросининг таркибий қисми – тасаввуф ва унинг инсон маънавияти учун муҳим бўлган аҳамияти, унинг намояндалари фалсафий-ахлоқий қарашларининг жамият маънавий тараққиёти учун бўлган аҳамияти мутлақо ўрганилмай келинди.

Юртимизда мустақилликнинг қўлга киритилиши туфайли жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий ривожланиши учун барча имкониятлар юзага келди. Ана шундай имкониятлардан бири маънавий-ахлоқий меросимизнинг таркибий қисми ҳисобланмиш тасаввуф таълимоти, унинг жамият маънавий ахлоқий камолоти учун бўлган назарий ва амалий аҳамиятини ўрганишдир.

Тасаввуф таълимоти тарихида силсила ва тариқатлар ўртасида айрим жузъий тафовутлар мавжуд бўлса-да, ҳеч қачон инсон маънавияти тариқат аҳли диққат-эътиборидан узоқ бўлмаган. Тасаввуф аҳли ҳамма вақт инсоннинг ботиний олами, ички зиддиятлари билан қизиқиб келган. Улар инсоннинг ҳаётдаги ўрни, жамият бўлиб яшаш тартибларига шу мавқедан туриб қараганлар. Жамиятдаги мавжуд ижтимоий низолар, урушлар, иқтисодий тенгсизликнинг туб моҳияти, бош сабабини ҳам бу таълимот аҳли инсон табиати ва сифатидан излаганлар. Инсоннинг ахлоқини ислоҳ қилишни унинг табиатидаги салбий, ҳайвоний хислатларни бартараф

килишдан бошламоқ лозим, деб тушунтирганлар. Инсон зотини ҳар қандай фалокатлардан ҳоли бўлишининг ягона йўли – нафсни ўлдириб, сабр билан ҳалол-пок яшаш, иродани мустаҳкамлаб бориб, одамзотда инсонийликни жойига қўйиш маънавиятнинг асоси деб билдилар.

Тасаввуф – мусулмон Шарқи мамлакатларида вужудга келган мураккаб таълимот. Уни билмай туриб, ўша давр ижтимоий-маънавий ҳаётини ўрганиш мушкулдир. Шуни назарда тутиб, атоқли шарқшунос олим Е.Э.Бертельс ўтган асрнинг бошидаёқ шундай деган эди: "Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, Ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақидаги тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас... бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин" [2;54].

Шарқшунос олимларнинг фикрига кўра, тасаввуф тадрижий тараққиётга эга бир таълимот бўлиб, ислом оламида VII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. IX аср бошларига келиб тасаввуф ўзининг назарий асосига эга бўлди. Бу бир таълимот сифатида мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борди, фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. XI асрдан бошлаб Шарқнинг деярли барча нуфузли шоирлари, мутафаккир ва олимлари тасаввудан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик, адолатпарварлик ғояларидан руҳланди.

Маълумки, Ўрта асрлар мусулмон Шарқи ижтимоий ҳаётида улут тарихий бурилишлар даври вужудга келиб, бу бурилишларни белгилайдиган ислом дини инсоният тараққиётининг янги маънавий-руҳий зарурат, фикрий ва ҳиссий изланишлар эҳтиёжига жавоб тариқасида пайдо бўлди. Ислом дини инсон маданий-маънавий ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олиб, ижодий кўтарилиш, инсоният ақлий ва бадий фаолият тарзига таъсир қилди. Айни вақтда инсоннинг тўхтовсиз ижодий фаолияти ислом динининг ўзига ҳам таъсир ўтказиб, улардаги омухталиқ хусусиятини кучайтирди, янги таълимотлар, мазҳаблар, қарашлар силсиласини вужудга келтирди. Ана шулардан бири тасаввуф таълимоти бўлиб, у инсон қалби ва руҳиятини нишонга олиб, жаҳолат ва худбинликка қарши ўлароқ майдонга чиқди.

Тасаввуф ахлоқий покликни тарғиб этгани туфайли илмий ижод аҳлига якин бўлди. Бу унинг биринчи хусусияти бўлса, унинг иккинчи хусусияти эса гарчи ислом дини бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар, ҳикматлардан озикланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлсада, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаасибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу-ишратга фарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўларок меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келган бир таълимот бўлиб, инсоният маънавий-маърифий, ахлоқий меросининг таркибий қисми сифатида вужудга келди. Мутасаввифларнинг ахлоқий қарашларидаги муҳим хусусиятларидан бири ҳақни ноҳақдан, ҳалолни ҳаромдан, адолатни адолатсизликдан афзаллигини ва нафсни тийишни тарғиб қилишликларидадир. Шу билан бирга, улар инсон ҳамма вақт ҳалол меҳнат қилиб, шу меҳнат келтирган даромад эвазига яшаш ғоясини илгари сурганлар.

Х аср охири XI асрлар Марказий Осиё минтақасида турли ижтимоий ўзгаришлар рўй берган бўлишига қарамай, янги маънавий жараён ақл ва мантикий тафаккурни маънавият асосига қўйишда давом этди. XI асрда ислом маърифатчилигига ўз ижоди билан яқун ясаган ислом илоҳиётчиларининг забардаст вакили Имом Абу Ҳамид Ғаззолий (1058–1111) эди. Абу Ҳамид Ғаззолий "Мақосид ал-фалосифа" ("Файласуфларнинг мақсадлари"), "Тахофут ал-фалосифа" ("Файласуфларнинг раддияси") ва фалсафий қарашларининг такомил босқичларини акс эттирувчи "ал-Мунқиз мин ад-далал" каби асарларни ёзди.

Унинг ахлоқий қарашлари асосан, "Ихёйи улум ад-дин" деб аталган тўрт жилдлик китобида ўз ифодасини топган. Асарда ахлоқий масалалар таваккул (ҳамма нарсада Аллоҳга суяниш) йўналишида Худонинг яқкалигига эътиқод қилиш сифатида талқин этилиб, бунда муҳаббат, ихтиёр эркинлиги, тақдир, ният, хижрон, қаноат, самимият, ҳақгўйлик, ўз-ўзини эҳтиёт ва назорат қилиш, ўз ҳолини мушоҳада қилиш ва ўлимни ёдда тутиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Асарда ахлоқий, диний, ҳуқуқий

тушунча ва муаммолар мантикий далиллар ёрдамида таҳлил этилади ва ишонарли тарзда тушунтириб берилади. Масалан, ишқ ёки муҳаббат инсоннинг ўзига муҳаббат, инсоннинг ўз ҳаётини давом эттиришга муҳаббат, инсоннинг яхшилик қилган зотларга муҳаббат, инсоннинг ташқи ёки ички қиёфасидаги барча гўзалликларга муҳаббат кабилар атрофлича таҳлил қилинади ва ишонарли ҳолда акс эттирилади.

Муҳаббат тушунчасига мантиқан эътибор қаратилса, унда инсоннинг ўзига, ўзгаларга, атроф-муҳитга муносабати акс эттирилган бўлиб, бу муҳаббат турларининг ҳаммаси Аллоҳга муҳаббатнинг билвосита кўринишидир. "Ўзини англаб етган кишигина, – деб ёзади Ғаззолий, – ўз яратганини англаб етади, у ўз-ўзича мавжуд эмас, унинг борлиги, мавжудлигининг давоми, камолотга эришуви Аллоҳдан, Аллоҳ ва Аллоҳ воситасидир"[1;238].

Тасаввуф – бу бир фалсафий уммон, у билан Шарқу Ғарб мутафаккирлари шуғулланиб келади. Тасаввуфда комил инсон масаласини қисқача кўриб ўтсак, комил инсон – кишиларнинг идеали, орзу-умидлари бўлиб, бундай шахс ўзида бутун инсоний фазилатлар, яхшиликлар, хулқ-одоб билан безанган ахлоқи пок, дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, нафсини тийган, бойлик ва мол-мулкка хирс қўймаган, манманликдан воз кечган, ҳалол меҳнати билан кун кечирувчи, саховатли, ғариб ва муҳтожлардан ёрдамини аямайдиган шахс ҳисобланади.

Абу Ҳамид Ғаззолийнинг фикрига кўра, Аллоҳни севиш фақат жунуни бор алоҳида шахслар – ошиқ солихларнинг фазилати эмас. Аллоҳ ҳамма учун севимлидир, чунки унда инсон тасаввуридаги барча эзгуликлар, ахлоқий фазилатлар, инсонни ўзига тортувчи, муҳаббатига сабаб бўлувчи жамики сифат ва хислатлар мавжуд. Бу сифатларнинг ҳар бири алоҳида олинганда, муҳаббатга сабаб бўлади. Унда муҳаббат ҳам йиғилиб кучаяди ва у Худога бўлган қайноқ муҳаббат даражасига кўтарилади. Чунки фақат Аллоҳгина барча эзгу сифатларни жамлаган Зотдир. Аллоҳни севиш орқали биз абадиятни, абадий адолат ва ҳақиқатни севамиз. Инсон ана шу идеал етуклик

ва камолни кўмсайди, ўзининг барча ниятларини, орзуларини шу билан боғлайди.

Абу Ҳамид Ғаззолийнинг таъкидлашича, инсоннинг ўзини севиши ҳам Аллоҳга бўлган муҳаббатдан нишона, негаки ўзини севиш – ўз камолоти учун курашиш демакдир. Бизни яратган Аллоҳ камолотимизга раҳнамо, ҳаётимизга посбон. Шу боис биз ўз камолотимиз ва ҳаётимизни севиш билан Аллоҳни севган бўламиз. Унинг асарлари ислом маърифатчилигида шаклланиб келган йўналишлар – сунна ва тасаввуф, футувват ва улар кадриятларини ўзаро уйғун эканлигини исботлаш билан бирга, илм, имон ва ирфоннинг яхлитлигини мантиқан асослаб берди. Сунна аҳлини илм ва ирфон вакиллари билан яқинлаштириб, ислом оламида янги босқичдаги маънавий, ахлоқий уйғунликни таъминлашга улкан асос яратди. Шу билан бирга, Абу Ҳамид Ғаззолийнинг илмий-ижодий фаолияти минтақа фуқаролари маънавий, ахлоқий камолотини ислом маърифатчилиги босқичидан тасаввуф ирфони босқичига узил-кесил олиб ўтиб қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, деб ҳам айтиш мумкин.

Маълумки, тасаввуф таълимоти маданияти қадимдан ривожланиб, илм-маърифат марказларида ривож топган. У гарчи халқ манфаатлари, истак-хохишларининг ифодаси бўлса-да, амалда ўзларини Аллоҳга яқин деб билган кишиларнинг диний қарашларини ифода этарди. Оддий халқ эса расмий ислом ва тасаввуфий тасаввурларни бир-биридан фарқ қила олмас эди. Тасаввуф мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб бориб, фан, маданият ва адабиёт, инсон маънавий-ахлоқий ривожига ижобий таъсир кўрсатиб келган. IX асрдан бошлаб Марказий Осиёни деярли барча нуфузли шоирлари, мутафаккир-олимлари ижодига ижобий таъсир қилиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар.

Э.Бертельснинг фикрига кўра, Шарқ халқлари ижтимоий тараққиётини, маънавий меросини, унинг таркибий қисми ҳисобланган ахлоқини тадқиқ этиш ҳақида фикр юритилганда ҳам масалага бир томонлама ёндашиш

мумкин эмас. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг инсон маънавиятининг барча соҳалари, яъни диний, табиий-илмий билимларни яхлит тадқиқ этиш имконияти вужудга келди. Бу имконият Ўрта аср мутафаккирларининг ахлоқий таълимотлари ва ундан кейинги олиму фузалолар ахлоқий меросини тадқиқ этишнинг асосий йўналишлари ҳақида эркин фикр юритишга шароит яратди.

Ўрта аср мусулмон Шарқи халқлари ҳаётига ислом дини мафкура сифатида кириб, халқлар онги ва қалбидан кенг ўрин олди. Муайян мафкура сифатида вужудга келган ислом дини бағрида ҳурфикрликни тарғиб қилувчи, илм-фан, санъат тараққиётига кенг йўл очиб берган тасаввуф таълимоти ҳам шу даврда шаклланди. Бу таълимот қадимги дунё халқлари илгари сурган ғояларни ривожлантирди, у ўртага ташлаган муаммоларни ҳал этиш учун муҳим бўлган назарий ҳамда бадий-ахлоқий асарлар яратишга асос солди. Бу, ўз навбатида, даврга хос анъаналарнинг яратилишига сабаб бўлди. Бу анъаналар VIII–IX асрларга тўғри келиб, ислом минтақа маданияти шаклланиши ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш даври бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. – Тошкент: ТДШИ, 2000.
2. Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-Муфрад. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990.
3. Комилов Н. Тасаввуф 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
4. Бозоров О, Шодиев Р. Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий қадриятлар. – Самарқанд: Зарафшон, 1992.